VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

36 (97) 2010 йил 1 сентябр, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган
www.milliytiklanish.uz



### "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументи очилди

Йигирма беш асрдан зиёд тарихга эга Бухоро жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган кўҳна ва навқирон шаҳарларимиздан бири. Қадимдан илму маърифат, маданият маскани бўлган бу гўша таърифи етти иқлимга ёйилган.

3-бет



### Қўлигул ҳунарманд аёллар

Истиқлолимизнинг беқиёс имкониятлари ва муқаддас ғоялари ҳар биримизнинг ҳаётимиз ва қалбимиздан жой олган десак, муболаға бўлмайди. Миллионлаб ватандошларимиз сингари сизу биз мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган кенг миқёсли ислоҳотлар, ўзгариш ва янгиланишларнинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлдик.

4-бет



### 99 999 та қирмизи атиргул

Никоҳ куни куёв келин болага ана шунча қирмизи атиргуллар совға қилган. Хитойлик Ксао Ванг бунинг учун ўзининг бир йиллик маошини сарфлашига тўғри келган. Унинг айтишича, 999 сонида ўзига хос сир бўлиб, у ҳар қандай бало-қазони қайтариш хусусиятига эга экан.

8-бет

# Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Бугун гўзал ва бетакрор юртимизда буюк айём, катта тантана. Халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган ўз миллий мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамини баланд руҳ ва хурсандчилик билан кутиб олмоқда.

Ҳақиқатан ҳам барчамиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган ана шу байрам билан сиз азизларни, сизнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш мен учун катта бахтдир.

Азиз дўстлар!

Бугун, шу қутлуғ айём арафасида Ватанимиз озодлигига эришиш, ҳеч кимга тобе ва қарам бўлмасдан, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, юртимиз бойликларига, унинг табиий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятига эга бўлиш, бир сўз билан айтганда, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида халқимиз қандай оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтгани беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Биз бу йўлда ҳар қандай мураккаб ва таҳликали синовлар, тўсиқ ва ғовлардан ўтиб, ёвуз ва зўравон ҳаракатлар олдида бош эгмасдан, қанчалик қийин бўлмасин, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик, эзгу мақсадларимизга етиш учун қатъият ва матонат билан қадам қўйдик.

Бугун мустақил тараққиёт йилларида босиб ўтган, осон кечмаган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни, эришган ютуқ ва марраларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, холисона бир хулосага келишимиз табиийдир.

Яъни, бундан ўн тўққиз йил олдин юртимизда эркин ва мустақил демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуриш, иқтисодиётимизни кескин ва чуқур ислоҳ этиш, аҳолимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш бўйича қабул қилган азму қароримиз яккаю ягона тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг исботини аввало шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи, яқинлари мисолида, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланиб, обод бўлиб бораётгани мисолида яққол кўриши мумкин.

Бунинг тасдиғи сифатида ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, Ўзбекистон дунёдаги саноқли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатларини намоён этмоқда.

Охирги икки йил давомида мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш даражаси мос равишда 9 ва 8,1 фоизни ташкил этгани, бу йил эса 8,5 фоизни ташкил этиши кутилаётганининг ўзи кўпчиликнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган марраларни ўзимизга тасаввур қилиш учун қуйидаги рақамларни келтириш ўринли деб биламан.

1990 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши тахминан 3,5 карра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 2,5 баробар ошган, ўртача ойлик иш ҳақи эса шу йилнинг охиригача қарийб 500 АҚШ долларини ташкил қилиб, тахминан 14 каррага кўпаяди.

Яна бир рақам – Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва юртимизда инсон саломатлигини асраш, унга муносиб шароит яратиш ва ғамхўрлик кўрсатиш узлуксиз ўсиб бораётганининг тасдиғи сифатида аҳолимизнинг ўртача умр кўриш даражаси сўнгги йигирма йил давомида 67 ёшдан 73 ёшга етганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз: бундай натижаларга албатта бир-икки йил мобайнида эришиб бўлмайди.

Бу марраларни биз мустақиллик йиллари давомида халқимизнинг кундалик машаққатли ва ўта оғир меҳнати эвазига қўлга киритганмиз.

Шунинг учун бу муътабар заминда истиқомат қилаётган ҳар бир юртдошимиз бу ютуқлардан ғурурланиб-фахрланиб яшашга тўла ҳақлидир.

Қадрли юртдошларим!

**Бизнинг энг эзгу мақсад-муддаомиз – дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига киришдан иборатдир.** Бунинг учун ўз моҳияти ва аҳамиятига кўра бир-бирига тенг, бир-бирини тўлдирадиган икки ҳал қилувчи вазифани амалга ошириш бизнинг доимий эътибор марказимизда туриши зарур.

**Биринчидан,** иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни ва олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий-ижтимоий ўсишимиз ва технологик ривожланишимиз суръатларини юксалтириш ҳисобидан Ватанимиз тараққиёти ва аҳолимиз фаровонлигини муносиб даражага кўтаришдир.

**Иккинчидан,** мамлакатимизни модернизация қилиш ва эркинлаштиришни, сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий тизимни демократик янгилашни, юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришни давом эттиришдир.

Биз бугун мана шундай буюк мақсадларни олдимизга қўяр эканмиз, чуқур англаб олишимиз зарурки, бундай орзу-интилиш мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб олиб бораётган сиёсатимизнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлиб, бутун халқимиздан тинимсиз меҳнат ва куч-ғайратни сафарбар этишни талаб қилади.

Шу билан бирга, бу вазифа замон ўзгариши билан ҳар биримиздан дунёқарашимиз, онгу тафаккуримизни, сиёсий ва ҳуқуқий савиямизни юксалтириш, ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришни, содда қилиб айтганда, бу гўзал ва бетакрор юрт – мен учун ягона Ватан, унинг бошидан кечираётган қувонч ва ташвишлари – менинг қувонч ва ташвишларим, деб, шундай ҳиссиёт билан яшашни талаб қилади.

Шу борада менинг энг катта умидим ва ишончим – мана шу муҳташам майдонга чирой бериб ўтирган сиз азиз фарзандларимда, сизнинг тимсолингизда бугун қувватга тўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмайман, деб, замонавий билим ва тажрибаларни эгаллашга бел боғлаган, тобора ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириб келаётган ёш авлодда, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди. Бундай авлодни ҳеч қачон енгиб бўлмайди.

Мамлакатимизда 2010 йилга "Баркамол авлод йили" деб ном берганимизнинг ўзи айнан шундай эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш йўлида, ҳеч шубҳасиз, яна бир қатъий қадам бўлиб қолажак.

Ишончим комил, кўпни кўрган, бошидан кўп синовларни ўтказган халқимиз чуқур англайдики, бундай юксак вазифалар ва олижаноб орзу-ниятларимизни амалга ошириш учун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, осуда ҳаётимизни кўз қорачиғидек асраш, жамиятимиздаги миллатлар ва динлараро тотувлик ва бағрикенгликни янада мустаҳкамлашимиз даркор.

Энг муҳими, минтақамизда, яқин ён-атрофимизда янги қарама-қаршилик ва тажовуз ўчоқларини аланга олдиришга ҳаракат қиладиган ҳар қандай кучлардан доимо сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлиб, бундай уринишларнинг олдини олиш ва бартараф этишга тайёр туришни бугунги нотинч ва таҳликали замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкор бўлиб яшашни, барча узоқ ва яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлашни биз ҳамиша энг долзарб вазифа деб билганмиз ва бундай сиёсатни албатта изчил давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда байрам қувончини биз билан баҳам кўраётган хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакилларига, муҳтарам меҳмонларимизга халқимиз номидан ҳурмат-эҳтиром билдириб, дунёдаги барча дўсту ҳамкорларимизга самимий салом ва тилакларимизни йўллашга рухсат бергайсиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Шу мунаввар оқшомда ҳаммангизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор қутлар эканман, аввалامбор, юртимизни тинч-омон сақлаб, асраб келаётган, эзгу ишларимизга ўзи мададкор бўлган Яратганимизга шукроналар айтиб, эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлмиш халқимизга бош эгиб таъзим қиламан.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

# САМИМИЙ ҚУТЛОВ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига Америка халқи номидан йўллаётган самимий табрикларимни қабул қилгайсиз. 1 сентябрь куни Ўзбекистон халқини давлат мустақиллиги ва суверенитетининг 19 йиллиги билан муборакбод этиш бизга улкан мамнуният бағишлайди. Ишончим комилки, истиқболда ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз изчил давом этади.

Мустақиллик байрами шодиёналари Сизга ва Ўзбекистон халқига шоду хуррамлик, тинчлик ва файзу барака олиб келсин.

Камоли эҳтиром билан,

**Барак ОБАМА,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

# Озодлик йўлида курашганлар хотирасига эҳтиром

Мустақиллик, тинчлик ва тараққиёт. Бу улуғ тушунчалар доимо бир-бири билан ёнма-ёндир. Халқимизнинг тарихий ютуғи – Ватанимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу яна бир бор ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон эришаётган бетимсол ютуқлар, мамлакатимиздаги янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг фаровон турмуш тарзи, осойишта ҳаётимиз, вояга етаётган баркамол авлод – мана шундай улуғ неъматларни инъом этган истиқлол учун қанчадан-қанча аждодларимиз курашган, шаҳид кетган.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида улуғ аждодларимиз хотирасини тиклаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш энг эзгу анъаналардан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан пойтахтимизнинг Бўзсув соҳилида бунёд этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи халқимиз, миллатимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига кўрсатилган улкан эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. 31 август мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланади.

Мазкур мажмуа доим зиёратчилар билан гавжум. Бу маскан нафақат шаҳидлар ёдини ифода этади, балки бугунги авлодни табаррук она Ватанимизни, мустақилликни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундайди. Бу ерга зиёратга келган инсон осуда отаётган тонгларга шукрона келтиради, қалбида шу озод ва обод юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси жўш уради.

31 август тонгида пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган инсонларни ёд этиш маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Президентимиз Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раҳбарияти, уламолар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари юртимизнинг ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар, мамлакатимиз ҳаёти, одамларимиз турмуш тарзи, онгу тафаккурида рўй берган бетимсол ўзгаришлар, бугунги кунда жаҳондаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият ҳақида гапирди. "Шаҳидлар хотираси" мажмуасининг ҳаққоний тарихимизни тиклаш, халқимиз маънавиятини янада юксалтиришдаги аҳамияти, ёш авлод тарбиясида тутган ўрни хусусида тўхталди.

Биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлмиш мустақиллигимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб муҳрланмоқда. Мана шундай дориломон кунларга етиш йўлида қанчадан-қанча юртдошларимиз курашган, ҳатто ўз жонини ҳам аямаган. Маънавият ва маърифат орқали эзгу мақсадларни илгари сурган кўплаб ватандошларимиз қатағон қурбонларига айланган. Бу муқаддас маскан ана шундай инсонлар хотирасини доимо ёдда тутишга, ёшларимиз уларнинг жасоратини теран англашига хизмат қилиши шубҳасиз. Айни пайтда бугунги тинч-осуда ҳаётимиз, фаровон кунларимизнинг қадрига етиш ҳақида ўйлашимиз табиий, албатта, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди.

**(ЎзА)**

# Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон

## Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди

Мустақиллик – энг улуғ, энг азиз неъмат. Озодлик, ҳуррият, эркинлик. Бу олий тушунчаларни юракдан ҳис қилиш, англаб яшаш – буюк саодат.

Мустақиллик – халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечириш имконини бергани, юртдошларимизнинг барча соҳаларда ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши учун беқиёс имкониятлар яратгани билан қадрлидир.

Халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз айёми – мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллигини кенг нишонламоқда. Бу гўзал байрам қалбларимизга чексиз фахр-ифтихор, кўнгилларимизга сурур бахш этади. Ота-боболаримизнинг асрий орзулари ушалган мазкур тарихий кун юртимизнинг барча шаҳару қишлоқларида кенг миқёсда, улкан шодиёналар билан тантана қилинмоқда.

Жорий йилда ушбу қутлуғ байрам бутун мамлакатимиз бўйлаб **«Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон»** деган эзгу ғоя асосида нишонланмоқда. Бу юртимизда инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлиги энг олий қадрият сифатида эъзозланиши, ҳаётимиздаги барча янгиланиш ва ўзгаришлар, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, аввалامбор, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганининг яна бир амалий ифодасидир.

2010 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи янада гўзаллик, ўзгача тароват касб этган.

2-бет



# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!



## Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон

### Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу ерга ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 19.30. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида озодлик ва ҳуррият саҳифасини очиб берган мустақиллик кунини нишонлар эканмиз, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тарихан қисқа даврда босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлимиз давомида эришган юксак марраларимиз, амалга оширган бетимсол ишларимиз беихтиёр кўз олдимизда гавдаланади. Бу йиллар, ҳеч шубҳасиз, мазмун-моҳиятига кўра, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида Ватанимиз тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланди.

«Ўзбекистон». Муаззам саҳнадан таралаётган бу қўшиқ гўзал қиру адирларимизда, далаю даштларимизда, пурвиқор тоғларимизда, файзли қишлоқларимизда, мафтункор шаҳарларимизда акс-садо беради. Бу ашула гўё барчамизнинг қалбимиздан чиқаётгандек. Ҳа, киндик қонимиз томган ота маконимиз, жонажон Ватанни васф этувчи тароналар юракларни жунбушга келтиради, кишига ўзгача завқ-шавқ бағишлайди, эзгуликка ундайди, бунёдкорликка чорлайди...

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш бош вазифа этиб белгиланди. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва янги давлат ва янги жамият қуришда асос қилиб олинган беш тамойил амалда ўзини тўлиқ оқлади. Ана шу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» ғояси ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий негизи яратилиб, мамлакат сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик муҳити қарор топди, нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти такомиллаштирилди, суд-ҳуқуқ тизимида, оммавий ахборот воситалари, маънавий-маърифий соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун, деган ҳаётий тамойил ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда. Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини таъминлашда суд органлари муҳим ўрин тутади. Шу маънода суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ролини янада кучайтириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёни инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим кафолатига айланди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноятларнинг таснифи қайта кўриб чиқилди, ўзгартирилди. Жиноят-процессуал қонунчилигида халқимиз менталитетига хос ярашув институти жорий этилди, адвокатура институти ислоҳ қилинди, суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди.

Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши халқимизга хос бағрикенглик, инсонпарварлик фазилатларининг яна бир намойиши бўлди. Бу бутун дунёда улкан қизиқиш ва эътибор уйғотди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни кўппартиявийлик тизимининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига, Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар ролининг кучайишига ва улар томонидан қарорлар қабул қилинишига катта таъсир кўрсатди.

Мустақиллик йилларида юртимизда энг юксак демократик талабларга, умумэътироф этилган халқаро меъёрлар ва стандартларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди. Сайловнинг очиқлик, ошкоралик ва адолат тамойилларига мувофиқ ҳолда ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан кафолатланган.

Сайлов ҳақидаги қонунчиликка киритилган ўзгартишларга асосан 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 150 депутат, шу жумладан, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан 15 депутат сайланди.

Ушбу сиёсий тадбир мамлакатимизнинг демократик ўзгаришлар, фуқароларимизнинг танлаш эркинлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қандай улкан муваффақиятларга эришганини яна бир бор кўрсатди.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, бўлиб ўтган сайловлар халқимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини намойиш этди.

...Она заминимиз юксак пардаларда тараннум этилган алёр қаддимизни тоғдек кўтаради. Ватан – ота-боболаримизнинг муборак хоклари ётган табаррук замин, ҳамиша севиб-ардоқлаб, тупроғини кўзимизга суриб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиздир. Озод Ватанимиз борки, қадр-қимматимиз бор. Обод юртимиз борки, ор-номусимиз бор, ғурур ва ифтихоримиз сарбаланд...

Бугун жаҳон Ўзбекистонга ҳавас ва ҳайрат ила боқмоқда. Энг ривожланган давлатларнинг ҳам белини буккан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида юртимиз иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани танлаган тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри ва ҳаётий эканлигини яна бир бор исботламоқда. Бу ҳар биримизга ғурур ва ифтихор бағишлаши баробарида, кучимизга куч қўшмоқда, эртанги кунимизга ишончимизни янада мустаҳкамламоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби ўнлаб хорижий тилларга таржима қилингани ва жаҳонда илмий асосда чуқур ўрганилаётганининг моҳияти шунда.

Ўзбекистонда ҳар томонлама асосланган таркибий қайта ўзгартиришлар, фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш дастурини амалга ошириш, экспортга йўналтирилган янги корхоналарнинг ташкил этилиши, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва транспорт коммуникацияларининг жадал ривожлантирилиши иқтисодиётни барқарор ва мувозанатлашган ҳолда тараққий эттириш имконини бермоқда.

2010 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон бозорига дадил кириб бормоқда. Экспортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янги бозорларга чиқиш ҳисобига экспорт ҳажми 14,3 фоизга ўсди. Ҳозир мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан жаҳоннинг 139 мамлакатига товарлар ва хизматлар экспорт қилинаётир.

Жорий йилнинг биринчи ярмида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банкларининг қиймати 518 миллиард сўмга тенг кредитлари йўналтирилди. Иқтисодиётимизда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми қарийб 1,7 миллиард долларни ташкил қилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 181 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар экспорти ҳажми 1,8 баравар кўпайди.

Аҳоли бандлиги даражасини оширишнинг энг муҳим манбаларидан бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳамда касаначиликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш доимий эътиборда. Бунинг самарасида жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 41,1 фоизни ташкил қилди.

Шу йилнинг бошидан буён ишлаб чиқаришни техник модернизация қилиш бўйича 108 лойиҳани амалга ошириш якунланди ва 529 ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фермерлик ҳаракатининг самарасини янада ошириш мақсадида қилинаётган ишлар ҳам ўз самараларини бермоқда. Барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тобора ортиб бормоқда. Истиқлол шарофати билан ўз донимизга, беминнат нонимизга эга бўлдик. Жорий йилда ғаллакорларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига 7 миллион тоннадан зиёд ғалла хирмони бунёд этилди. Пахтакорларимиз ҳам юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар.

...Майдон узра таралаётган қўшиқ сеҳридан диллар сурурга тўлади. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз дастури орқали ифода этилаётган истиқлол йилларида қўлга киритаётган улкан ютуқларимизга боқиб, бунёдкор халқимизнинг яратувчанлик салоҳиятидан фахру ғуруринг ошади...

Йўллар элларни элларга, дилларни дилларга боғлайди, йўл, коммуникация бор жойда тараққиёт бўлади, иш олға силжийди. Мамлакатимизда йўлларни, транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида халқаро ва давлат аҳамиятига эга автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларини қуриш, йўл-қурилиш техникасини харид қилиш учун 190,6 миллиард сўм маблағ сарфланди. Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл ёқасида 59 инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объектларида қурилиш-монтаж ишлари бажарилмоқда.

Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл линиясининг разъезд ва станцияларида ишлаб чиқариш-техник бинолар ҳамда турар-жойлар қурилишини якунлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Байрам арафасида Навоий шаҳридаги халқаро аэропортда замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган янги юк терминали ишга туширилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган бандлик даражасини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш, аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсат инсон манфаатларига хизмат қилмоқда. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида иш ўринлари қисқариши давом этаётган бир пайтда 2010 йилнинг биринчи ярмида 509 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этишга эришганимиз катта муваффақиятдир. Шу қаторда одамларимизнинг иш ҳақи, даромади барқарор ўсмоқда. Буни уларнинг турмуш фаровонлиги юксалаётгани, янги, замонавий уй-жойлар бунёд этаётгани, енгил автомобиллар харид қилиши кўпаяётгани сингари ҳаётий мисоллар ифодасида ҳам кўришимиз мумкин.

Тошкентда 2010 йилнинг апрель ойида ўтказилган «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш суръатлари яна бир бор юксак баҳоланди. Анжуман якунлари бўйича тайёрланган хулоса ва тавсияларда Ўзбекистонда глобал инқироз хавфларига самарали қарши туришга қаратилган амалий чора-тадбирларнинг юксак самаралари ҳамда Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган инқироздан кейинги даврда ривожланишнинг чуқур асосланган устувор йўналишларининг муҳим аҳамияти ва долзарблиги алоҳида қайд этилди. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури ва мамлакатни янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дунёнинг кўплаб давлатлари учун муҳим амалий аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Шу йилнинг май ойи бошида Тошкентда Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси бўлиб ўтди. Бу нуфузли анжуманга МДҲ ва Кавказ минтақаси мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон пойтахти мезбонлик қилгани юртимизнинг халқаро миқёсда тобора юксалиб бораётган нуфузидан далолат. Анжуман иштирокчилари ушбу тадбир юксак ташкилий савияда ўтгани ва ОТБнинг барча анжуманлари орасида энг самаралиларидан бири бўлганини таъкидлади.

ОТБ Бошқарувчилар кенгаши мажлиси қатнашчилари, шунингдек, 2010 йилнинг июнь ойи охирида мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси миссияси томонидан Ўзбекистон эришаётган натижалар юксак баҳоланди. Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банкининг хулосаларига кўра, инқирозга қарши чораларнинг саноатни модернизация қилиш ва инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек, жорий йилда экспорт ҳажмини оширишга кўрсатаётган самарали таъсири давом этаётгани туфайли 2010 йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиши 8 фоиздан ортиқни ташкил қилади.

Жорий йилнинг июнь ойида Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити бўлиб ўтди. Унда ШҲТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом ва ШҲТ процедуралари қоидалари тасдиқланди. Мазкур икки ҳужжатнинг Тошкент саммитида барча аъзо давлатлар томонидан маъқуллангани Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга раислиги нечоғли самарали кечганидан далолат бўлди.

Шу йил апрель ойида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф асносида Тошкентда ШҲТ ва БМТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. Бу 2010 йилда Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятидаги тарихий аҳамиятга молик яна бир ёрқин воқеа бўлди.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, инсоннинг турмуши, яшаш шароити ўзгарса, унинг эртанги кунга бўлган муносабати ўзгаради, ишончи мустаҳкамланади. Шу боис қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш бўйича мазмуни ва миқёси жиҳатидан мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда. Бундай улкан ишлар замирида юртдошларимиз, хусусан, қишлоқларда яшайдиган инсонлар турмуш фаровонлигини юксалтириш, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётимизни янада яхшилаш сингари эзгу мақсадлар мужассамдир.

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз бўйича кўплаб уй-жой фойдаланишга топширилди. Газ, сув қувурлари тармоқлари барпо этилди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида қишлоқ жойлардаги 42 массивда қурилиши бошланган уй-жойлар ўз эгаларига топширилди.

159 қишлоқ туманларидаги 223 массивда намунавий лойиҳалар бўйича 6800 уй-жой қурилиши давом этмоқда. Ўтган давр мобайнида ушбу мақсадлар учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банкининг жами 122,2 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлари ажратилди.

Замонавий қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжни янада тўлиқ қондириш мақсадида 2010 йилнинг олти ойида замонавий том ёпиш материаллари, гипсокартон, қуруқ пардозлаш аралашмалари, йиғма конструкциялар каби қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқарувчи 116 янги корхона ишга туширилди.

...Даврага болалар чиқиб келадилар. «Тантана», «Соната», «Асал», «Юлдуз», «Наврўз», «Томоша» ва «Булбулча» болалар ансамбллари ижросидаги шодон қўшиқ ва ўйноқи рақслар байрам томошаси аҳлини тўлқинлантириб юборади. Ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётган беғубор авлодга боқиб дилингиз яйрайди. Қувноқ ва серзавқ фарзандларимиз ўзларининг бахтли болаликни мадҳ этувчи қўшиқлари билан қалбларимизда умид ва ишонч уйғотади...

Президентимиз ташаббуси билан 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилингани замирида чуқур маъно-мазмун мавжуд. Юртбошимиз айтганидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Шу маънода уларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, бахт ва иқболи учун ҳеч нарсани аямаслик давлатимиз ва жамиятимизнинг устувор вазифаларидан этиб белгиланган. Бу халқимизнинг қонида, табиатида бўлган эзгу фазилат. Шунинг учун ҳам барча эзгу ниятларимиз замирида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассам.

"Соғлом она – соғлом бола" ғоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз томонидан ўтган йили қабул қилинган она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга оид қарорлар бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирларга доир қарори оналар ва болаларга эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир намойиши бўлди.

Таълим-тарбия соҳасидаги дастурларимиз келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланиб, уларнинг самараси мамлакатимиз эришаётган юксак марра ва натижалар мисолида яққол намоён бўлмоқда. Лицей ва коллежларни битирган ёшларимиз бугунги кунда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, бошқарув ва ижтимоий соҳаларда, барча жабҳаларда меҳнат қилаётир. Жорий йилнинг биринчи ярмида ёшлар учун 282,8 мингта янги иш ўрни яратилди. Яқинда давлатимиз раҳбарининг таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирларга оид фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжат «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни ижро этиш, ёшларни, биринчи галда, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишда қулай шарт-шароитлар яратади.

Бугунги кунда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва адабиётларини такомиллаштириш, ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болалар спортини янада ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар, сув спорти саройлари, бадиий гимнастика заллари бунёд этилмоқда, улар замонавий спорт анжомлари, юқори малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминланмоқда.

...Ёш санъаткорлар эл-юртимизни энг азиз байрам билан муборакбод этади. Улар ижросидаги қўшиқ ва наволар улуғвор айёмнинг тантанавор руҳига ўзгача файз ва таровat бахш этади...

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшларнинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, санъатнинг барча турларига, жумладан, мусиқа санъати ривожига алоҳида эътибор берилмоқда. Юртимизда бетакрор санъат кошоналари қад ростлаши, болалар мусиқа санъат мактабларининг замонавий қиёфага кираётгани ҳам соҳага кўрсатилаётган ана шундай ғамхўрлик натижасидир. Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ниҳол» мукофоти ҳамда анъанавий тарзда ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Янги авлод», «Келажак овози» кўрик-танловлари ҳаётини санъатга бағишлашни дилига туккан ёшларимизнинг истеъдодини кашф этишга, уларга кенг йўл очиб беришга хизмат қилмоқда.

Ҳа, бугун ўзбек овози дунё саҳналари узра баралла янграмоқда. Соҳир овоз, сеҳрли бармоқ соҳиблари халқаро миқёсда ўтказилаётган кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритмоқда.

...Тобора авжга чиқаётган қўшиқлар юртдошларимиздаги Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини янада кучайтиради. Киши қалбидан шу юрт, шу Ватан меники, шу муқаддас замин янада обод ва фаровон бўлиши учун қанча кўп меҳнат қилсам, оилам, фарзандларим шунча манфаат кўради, гўзал диёримиз янада гуллаб-яшнайди, деган эзгу фикр ўтади...

"Тинчлик таянчи". Майдон узра ҳарбий мусиқа садолари янграйди. Саҳнага шаҳдам қадамлар билан мард ва жасур ўғлонларимиз – Ватан ҳимоячилари кириб келадилар. Улар она Ватанимизни мадҳ этиб, Қуролли Кучларимиз қудратини намойиш этади...

Юртимизнинг тобора обод бўлиб, қиёфаси бутунлай ўзгараётгани, Ватанимизнинг тараққиётдаги ютуқлари, авваламбор, мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат туфайлидир.

Эл-юртимиз тинчлиги, осойишталиги ишончли қўлларда. Ўзбекистон – ўзининг ҳудудий яхлитлигини сақлашга, ўзини ўзи мудофаа қилиш, мустақиллигини асрашга қодир мамлакат. Бугунги кун талабларига жавоб берадиган тезкор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, жанговар қобилият ва тайёргарликка эга, ҳар қандай ёвуз кучга муносиб зарба беришга қодир бўлган миллий армиямиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси асосида Тошкент шаҳрида барпо этилган "Ватанга қасамёд" ҳайкали Ватанга қасамёд, мардлик ва жасорат мадҳияси сифатида ёшларимиз, ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий оламини бойитиш, уларда бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияни шакллантиришда ғоят катта аҳамиятга эгадир.

«Ватан азиздир». Ватанимиз мадҳ этилган, Ҳазрати инсон улуғланган бу қўшиқ янграганда беихтиёр унга жўр бўласиз. Шундай ҳузурбахш лаҳзаларда бу оламда бетакрор она Ўзбекистонимизнинг яккаю ягона эканлиги, шу муқаддас заминга эҳтиром туйғуси ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши зарурлигини янада теранроқ англаймиз.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз тантаналарини элликдан ортиқ мамлакат аҳолиси телевидение орқали бевосита томоша қилди. Бутунжаҳон глобал ахборот тармоғи – Интернет орқали у дунёнинг барча ҳудудларигача кириб борди.

...Самода ранг-баранг мушаклар жило сочади. Сеҳрли ёғдуларга боқиб қалбларимиздан ҳаяжон тошади.

Кўнгилларимиздаги энг олий тилаклар тилга кўчади:

– Истиқлолинг муборак бўлсин, она Ўзбекистоним!

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**



# МАЪНАВИЯТ

# “Кўҳна ва боқий Бухоро” монументи очилди

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 август куни Бухоро шаҳрига ташриф буюрди.

Йигирма беш асрдан зиёд тарихга эга Бухоро жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган кўҳна ва навқирон шаҳарларимиздан бири. Қадимдан илму маърифат, маданият маскани бўлган бу гўша таърифи етти иқлимга ёйилган.



Мустақиллик йилларида Бухоро вилоятида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди. Туб мақсади инсон манфаатлари устуворлигига қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида вилоятнинг саноат салоҳияти юксалди, аҳолининг турмуш шароити яхшиланиб, шаҳар ва қишлоқлар тобора чирой очаётир.

Яқинда барпо этилган “Бухоро маданий маркази” мажмуи бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида алоҳида ўрин тутади. 107 гектардан иборат мазкур мажмуада йирик иншоотлар – 700 ўринли вилоят мусиқали драма театри, икки минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр, “Кўҳна ва боқий Бухоро” монументи қад ростлади. Мазкур объектлар Бухоронинг ўзига хос меъморчилик анъаналари ва замонавий архитектура андозалари уйғунлигида барпо этилди.

Юртбошимиз ташаббуси ва ғояси асосида бунёд этилган ушбу баландлиги 18 метр “Кўҳна ва боқий Бухоро” монументини таниқли ҳайкалтарош, Ўзбекистон санъат арбоби, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги Илҳом Жабборов ишлаган.

Қутлуғ Бухоро заминидан Абу Али ибн Сино, Наршахий, Имом Бухорий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Ориф Ревгарий каби буюк мутафаккирлар, кўплаб адабиёт ва санъат намояндалари етишиб чиққан. Уларнинг номлари обидада зарҳал ҳарфлар билан нақшланган. Бу ерда илм ўрганиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарз экани, дил Аллоҳда, қўл меҳнатда бўлиши лозимлиги зикр этилган.

Давлатимиз раҳбари “Кўҳна ва боқий Бухоро” монументи билан танишди.

- Тарихдан маълумки, қадимда Бухородан олтин конлари топилган. Бугунги кунда ҳам Бухоро тилласи асл тилла ҳисобланади, - деди Ислом Каримов. - Лекин Бухорони шариф шаҳарга айлантирган унинг фидойи, меҳнаткаш одамларидир.

Монумент марказида уч авлод – бахтиёр ёш оила – ота, она ва бола, ниҳол ўтқазаётган бобо ва набира ҳамда уй қураётган ота ва ўғилнинг барельефли ҳайкаллари акс эттирилган. Бунда чуқур фалсафа бор: ҳаёт абадий, умр ўткинчи, инсоннинг эзгу амаллари мангу қолади, бу дунёда инсон эзгу ишлар қилмоғи лозим, фарзандлари келажагини, эл-юртининг эртасини ўйламоғи даркор.

- Бухорога келган, бухороликлар ҳаёти билан танишаман, деган одам монументда ифодаланган бу ғоялардан хулоса чиқаради, - деди Президентимиз. - Бу ғояларни барчага, биринчи навбатда, ёшларимизга кенг ва чуқур тушунтиришимиз керак. Баркамол авлод тарбиясида унинг аҳамияти катта. Буюк келажагимизни яратишда, аввало, мустақил фикрлайдиган фарзандларимизга, шу юртни ягона, бетакрор Ватан, деб билган ёшларимизга суянамиз. Бугун Ўзбекистонимиз эришган буюк марраларда, оламшумул ютуқларда ёшларимизнинг ўрнини, уларнинг ҳал қилувчи кучга айланганини кўрамиз.

Обида тепасига ўрнатилган баландлиги 5 метр, вазни 32 тоннадан иборат, айланиб турувчи улкан Ер шари узоқ-узоқлардан кўзга ташланади. Унда Ўзбекистонимиз харитаси тасвирланган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, дунё билан юзлашди, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллади, деган теран маъно ифодаланган.

Президентимиз театрнинг янги биносини кўздан кечирар экан, бундай замонавий санъат саройлари томошабинларнинг бадиий диди ва савиясини ўстиришга хизмат қилишини таъкидлади.

- Театр – тарбия маскани. Ёшларимизни турли мафкуравий таҳдидлар ва ғараз ниятли кучлардан, таъсирлардан асраб-авайлашга устувор аҳамият қаратмоқдамиз. Ёшларни тўғри йўлга бошлашда панд-насиҳат билан кифояланиб бўлмайди. Эзгуликни, юртпарварликни, инсоний фазилатларни камол топтиришга хизмат қиладиган амалий ишлар қилиш керак. Ана шундай амалий тарбия омилларидан бири театрдир. Театр давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларида тобланган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни саҳнага олиб чиқиши зарур. Фарзандларимизнинг маънавий дунёсини мустаҳкамлайдиган, келажакка ишончини оширадиган, ориятини кучайтирадиган замонавий қаҳрамонлар образини яратиш керак, - деди Юртбошимиз.

Президентимиз мажмуа ҳудудида вилоят иқлим шароитига мос дарахтларни кўпайтириш ва яшил ҳудудларни янада кенгайтириш юзасидан тавсиялар берди.

Мамлакатимизда миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, аждодларимиз қолдирган бой маданий-маънавий меросни, тарихий-меъморий обидаларни асраш, уларни келгуси авлодларга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Бухородаги Масжиди Калон, Чорбакр каби қатор обидалар таъмирланиб, асл қиёфасига келтирилди. Президентимиз ташаббуси билан Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳлари обод манзилларга айлантирилди.

Юртбошимиз шу куни Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилди.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Эркин ЁДГОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**



**САВДО-СОТИҚ ПАЛАТАСИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БИРЛАШМАСИ**

Азиз ватандошларимизни Энг улуғ, энг азиз байрамимиз - мамлакатимизнинг мустақиллик куни билан табриклайди. Юртимиз аҳлига сиҳат-саломатлик, хонадонларига доимо қут-барака тилайди.



ТАДБИР

## Ёш теледизайнерлар семинари

Бўстонлиқ туманидаги “Пирамида” дам олиш комплексида нодавлат телестудияларнинг ёш теледизайнерлари учун “Янги форматдаги информацион телеканалларда жойлаштирилиши мўлжалланган телемаҳсулотларни монтаж қилиш ва эфир дизайнини бойитишнинг муҳим жиҳатлари” мавзуида семинар ташкил этилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган мазкур семинар Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Германиянинг Конрад Аденауер жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилди.

Ушбу семинардан кўзланган асосий мақсад ҳам кучли фуқаролик жамияти қуришда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш, нодавлат телестудияларнинг дизайнер ва монтажчилари, шунингдек, ёшлар студиялари иштирокчиларига замонавий дизайн санъати асосларини, ахборот дастурларини монтаж қилишнинг янги йўналишларини ўргатиш, уларнинг касб маҳоратини оширишга кўмаклашишдан иборат.

Тадбирда “Баркамол авлод йили” Давлат дастури ва 2010 йилда нодавлат телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни ривожлантириш дастурига кўра, журналистларнинг касб маҳоратини ошириш, янгилик дастурларининг ижодий ва техник даражасини яхшилаш, ҳудудий телерадиостанциялар моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган комплекс тадбирлар юзасидан фикр алмашилди. Ёш теледизайнерлар учун семинар катта маҳорат мактабини ўтади.

**“Туркистон-пресс”**

**КОСОН ТУМАН “ФЕРУЗА” САВДО МАРКАЗИ ЖАМОАСИ**

Сизни Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллик байрами билан самимий қутлаб, оилавий бахт, келгуси ишларингизда улкан зафарлар тилайди!



**АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИ ЖАМОАСИ**



Барча ватандошларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади.



Ўзбекистонимизнинг равнақи учун меҳнат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.





Айниқса, миллат келажаги бўлмиш ёшларни илмли, зукко, фидойи ва комил инсонлар қилиб тарбиялаш биз устозлар учун шарафдир.

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ФОРУМ

Аввал хабар қилганимиздек, шу кунларда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ҳудудий кенгашларида юртимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишлаб “Мустақиллик – олий саодат” шиори остида хотин-қизлар минтақавий форуми бўлиб ўтмоқда. Яқинда мазкур форум ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши томонидан ўтказилди.

## Қўлигул ҳунарманд аёллар

уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган минтақавий форум давом этмоқда



Тадбир байрамона руҳда, карнай-сурнай садолари остида бошланди. Ташриф буюрган иштирокчилар дастлаб, хоразмлик ҳунарманд аёллар қўли билан яратилган халқимиз анъаналарини ўзида акс эттирувчи миллий либослар ҳамда уй шароитида тайёрланган миллий ҳунармандчилик, касаначилик маҳсулотлари кўргазмасини томоша қилдилар. Шунингдек, бахшиларнинг айтишувлари, турли бадиий гуруҳларнинг саҳна кўринишлари, миллий ўйинлар намойиши, турли миллат вакилларининг фольклор чиқишларидан ҳам баҳраманд бўлдилар.

Шундан сўнг форумнинг асосий қисми бошланди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ахтам Турсунов уни очар экан, иштирокчиларни мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллик байрами билан қизғин табриклади. Партия раҳбари ўз сўзида истиқлолнинг ҳамда форум аҳамияти ҳақида тўхталиб, жумладан шундай деди:

— Бугунги тадбиримиз халқимизнинг буюк орзуси ушалган, ҳар биримиз учун муқаддас кун — Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги бутун юртимизда қизғин нишонланаётган ва мамлакатимизнинг барча гўшаларида бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари авж олган бир даврда ўтмоқда. Истиқлолимизнинг беқиёс имкониятлари ва муқаддас ғоялари ҳар биримизнинг ҳаётимиз ва қалбимиздан жой олган десак, муболаға бўлмайди. Миллионлаб ватандошларимиз сингари сизу биз мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган кенг миқёсли ислоҳотлар, ўзгариш ва янгиланишларнинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлдик.

Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимизга назар ташлар эканмиз, қисқа фурсат ичида мамлакатимизда давлатимиз раҳбари муҳтарам Ислом Каримов раҳнамолигида асрларга татигулик улкан ишлар ва ислоҳотлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз. Бугунги форум ва бу сингари ЎзМТДП томонидан мустақиллик кунига бағишлаб “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон” эзгу ғояси остида ўтказилаётган кенг қамровли, оммавий тадбирларда мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган давлат ва халқ манфаатларини кўзловчи оқилона сиёсат, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни сақлаш, энг муҳими, унинг қадрига етиш ҳақида фуқароларимизга кенг тушунча бериш мақсади ётибди.

Шунингдек, партия етакчиси мазкур форум ЎзМТДП сайловолди Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда уй шароитида миллий ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг қобилиятларини юзага чиқариш, ҳуқуқий, сиёсий билимларини янада ошириш, фаолиятларини кенг оммага таништириш, бандлик масаласини ҳал қилишга кўмаклашишга қаратилганлигини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Улуғбек Муҳаммадиев ҳамда ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Шоира Умарова ҳам сўзга чиқиб, мустақиллик йилларида миллий қадрият ва анъаналаримизни тиклаш борасида Юртбошимиз бошчилигида амалга оширилаётган ишлар, эришилган ютуқлар ва бу эзгу мақсадлар йўлида ЎзМТДП томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида гапирдилар.

Форумда турли номинациялар бўйича истеъдод соҳибларининг чиқишлари муносиб баҳоланди. Истеъдодли ёш шоира, бастакор, либос дизайнери, миллий мусиқа, рақс ва қўшиқ ижрочилиги каби йўналишларда ғолиблар аниқланиб, уларга партиянинг қимматбаҳо совғалари, диплом ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

Тақдирлаш маросими куй-қўшиқларга уланиб, форум сўнггида иштирокчиларга махсус тайёрланган концерт дастури ҳавола этилди.

**Аброр УМАРҚУЛОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

БАЙРАМ ШУКУҲИ

## ЎзМТДП ва унинг ҳудудий ташкилотлари

томонидан мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллик байрамига бағишланган тадбирлар кўтаринки руҳда ўтказилмоқда

### ФАРҒОНА

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши томонидан “Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда партия вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” раҳбари М.Шокирова, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Х.Исломов сўзга чиқиб, мустақилликнинг илк йилларидаёқ юртимизда оила масаласига миллий қадрият сифатида катта эътибор қаратилгани ҳақида гапирдилар.

- Маънавиятли инсонгина соғлом ва теран фикрлай олади, - деди ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари А.Нуруллаев. - Муҳтарам Юртбошимиз ўзининг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида айни шу масалага эътибор қаратиб: “...маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”, деб бежизга таъриф бермаган.

Тадбир давомида туман маданият уйи ходимларининг куй-қўшиқлари йиғилганларга хушкайфият улашди.

* * *

ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари байрам муносабати билан жойларда турли хил спорт мусобақаларини ташкил этиши анъанага айланган. Бундан кўзланган мақсад партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, ёшларни кўпроқ спортга жалб қилишдир.

ЎзМТДП Учкўприк туман кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида “Баркамол авлод йили”га бағишлаб ёшлар ўртасида ўтказилган футбол мусобақаси ҳам ана шу мақсадга қаратилди.

Тадбирнинг очилишида ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Н.Абдураҳмонов сўзга чиқиб, спорт - ёшларни жисмонан бақувват, маънан етук қилиб тарбиялашда энг яхши восита эканини айтиб ўтди.

Мусобақа сўнггида ғолиб бўлган жамоаларга партия туман кенгаши ҳамда “Маҳалла” жамғармасининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

### НАМАНГАН

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Наманган вилояти, Чортоқ туман кенгашлари ва “Камолот” ЁИҲ туман кенгаши ҳамкорлигида “Баркамол авлод-келажагимиз бунёдкорлари” мавзусида ёшлар сайли ўтказилди. Тадбирда халқ депутатлари вилоят, туман кенгашлари депутатлари, партиянинг “Ёшлар қаноти” фаоллари ҳамда таниқли шоир ва ёзувчилар иштирок этдилар.

- Ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук қилиб тарбиялаш, улар онгида Ватанга муҳаббат, милилй истиқлол ғояси ва асрлар оша сайқал топиб келаётган миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳини юксалтиришда мана шундай ноанъанавий усулда ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамияти катта,- деди ЎзМТДП Чортоқ туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ю.Алимов.

Шунингдек, сўзга чиққан ЎзМТДП вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” раҳбари Н.Рўзиматова ва болаларнинг севимли шоири Оташ Холмирзаев мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган имкониятлар хусусида гапирдилар.

Тадбир сўнггида қатнашчилар Султон Увайс Қараний мақбарасини ва вилоятдаги бошқа қадамжоларни зиёрат қилдилар.

**ЎзМТДП Ахборот хизмати**

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI
ЎзМТДП БУХОРО ШАҲАР КЕНГАШИ
Ўзининг асл миллий-маънавий қадриятларини улуғлаб, собит қадамлик билан буюк келажак пойдеворини қураётган мамлакатимиз аҳлини Энг улуғ, энг азиз байрам -
мустақиллик куни
билан муборакбод этади!.



Юртимизга тинчлик, халқимизга соғлик-омонлик тилайди.

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI
ЎзМТДП АНДИЖОН ШАҲАР КЕНГАШИ
Жонажон Ўзбекистонимизнинг бағрикенг, меҳнатсевар, саховатли халқини мустақиллигимизнинг
19 йиллик
шодиёнаси билан самимий қутлайди.



Байрам шукуҳи кезиб юрган юртимиз осмони ҳамиша мусаффо, истиқлолимиз абадий, истиқболимиз порлоқ бўлсин!

# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

МИЛЛИЙ ҒУРУР

## Истиқлол тенгдошлари

### истиқлол ҳақида

Маълумки, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ келажак авлод тарбиясига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг натижаси ўлароқ, улар учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Президентимиз ёшларга мустақил Ўзбекистоннинг келажаги деб ишонч билдирар экан, бу – ёшлардан ўз ўрнида мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашдаги ислоҳотларда фаол қатнашишни талаб этади. 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши ҳам бунга яққол мисолдир. Истиқлолнинг 19 йиллиги олдидан 19 ёшга тўлган истиқлол тенгдошларининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ҳамда байрам таассуротлари билан ўртоқлашдик.

**Аббос АБДУЛҲАМИДОВ, 1991 йилда туғилган, "Ривож" ХСИЧФда ҳисобчи ёрдамчиси:**

- Мустақиллик ўзбек халқининг дунёқарашини, маънавиятини ўстирди. Истиқлол туфайлигина эркин фикрлашга ва рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга баҳо беришга ўргандик. Ўзбекистонимиз келажаги, энг аввало, халқимизнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлиги, юксак маънавиятига боғлиқ. Биз миллий ғуруримизни қанчалик қатъий ҳимоя қила олсак, мустақиллигимиз ҳам, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

**Акром ИСАҚОВ, 1991 йилда туғилган, "Сабр Ко ЛТД" ходими:**

- Мен истиқлол тенгдоши сифатида Ватаним Ўзбекистон билан тенг улғайиб борар эканман, унинг бугунги кундаги шон-шуҳратига муносиб фарзанд бўлишга интиламан. Ватанимиз 19 йил давомида пойдеворини мустаҳкам қуришга эришди. Тенглар ичра тенг бўлди. Аммо, бизнинг ютуқларимизга, тинч, осуда, фаровон ҳаётимизга ғаразли кўз билан қараётганлар ҳам йўқ эмас. Бу эса биз ёшлардан янада огоҳ бўлишни, мустақил фикрлашни талаб этади. Буюк аждодларимиз каби юксак маънавият ва идрок эгаси бўлишимиз кераклигини ва шу азиз Ватанимиз тақдирига ҳар жиҳатдан дахлдор эканимизни чуқур англаб етаяпмиз. Истиқлол биз ёшлар учун эртанги кунга ана шундай ишонч билан қарашга имкон яратди. Яна Ватанимиздаги тинчлик туфайли халқимиз ўзи, яқинлари ва фарзандлари ҳаётидан кўнгли тўқ ва хотиржам яшамоқда. Назаримда бундан ортиқ бойлик, бахт бўлмаса керак. Мен ҳам истиқлол тенгдоши сифатида Ватаним номини дунёга машҳур қилишга астойдил ҳаракат қиламан.

**Гулнора МЕҲМОНОВА, 1991 йилда туғилган, Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти 4-босқич талабаси:**

- Истиқлол менга нима берди? Аввало, мен мана шу саволга жавоб бериб ўтмоқчиман. Мустақиллик кимларнинг авлоди эканимизни, аждодларимиз қандай буюк ишларни амалга оширганлигини ўрганишга, чуқур англашга ҳуқуқ берди. Шу боис, бугун мен ўтмишимдан, бугунимдан ва келажагимдан ҳақли равишда фахрлана оламан. Айниқса, истиқлол йилларида янги ва илғор ишлаб чиқариш тармоқлари ривож топиб бормоқда. Буни ўз кўзи билан кўриб, камол топаётган тенгдошларимиз биз танлаган янгиланиш ва ислоҳотлар йўли нечоғли тўғри эканини йил сайин теранроқ ҳис этиб бормоқдалар. Биз ҳуқуқий демократик давлат барпо этяпмиз. Шунингдек, ҳамма соҳада сезиларли даражада ютуқларга эришдик. Республикамизда иқтисодиётнинг янада ўсиши, инвестиция фаолиятининг кучайиши учун ҳам мустаҳкам моддий, молиявий асос яратилди. Шу билан бирга хусусийлаштириш тизими йўлга қўйилгани бир қатор ижобий натижалар берди. Мисол учун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлади, мулк ўзининг ҳақиқий эгасини топди. Биз бугун инвестицияларни муваффақиятли жалб эта оляпмиз. Менимча истиқлол туҳфа этган неъматларни гапириб тугата олмаймиз. Фақат шунга ишончим комилки, бундай эзгу ишларга бош-қош бўлаётган Президентимиз бор экан, улар айтганидай, Ўзбекистон, унинг фарзандлари ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайди ҳам.

**Отабек НАЖМИДДИНОВ, 1991 йилда туғилган, Андижон Давлат тиббиёт институти 3-босқич талабаси:**

- Юртбошимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакат ички ва ташқи сиёсатини олиб бориш тамойилининг ўзбекона моделини ишлаб чиқди ва уни изчиллик билан амалга оширмоқда. Бугун эса ислоҳотларни нечоғли тўғри ва пухта ўйланиб тузилганлигини бутун дунё тан олмоқда. Биз ёшлар миллий манфаатларимизни устун қўя билсак, тинчлик ва хавфсизликни сақлашда ҳушёр бўлсак, Президентимиз олиб бораётган сиёсатга ҳисса қўшган бўламиз.

Истиқлол туфайли миллий маданий меросимизни, тарихий қадрият ва урф-одатларимизни тиклашга эришдик. Ватанимизнинг ҳаққоний тарихини, миллий ғуруримизни тикладик, миллий маданиятимизни ривожлантирдик. Марказий Осиё тарихида ўзининг бой илмий-маданий мероси билан чуқур из қолдирган Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал Хоразмий, Беруний, ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби дунёга машҳур инсонлар номлари қайта тикланди. Улар ўзбек халқининг чинакам миллий ифтихоридир. Биз буюклар авлодимиз ва албатта келажагимиз ҳам буюкдир!

**Камола АБДУВАЛИЕВА,**
**ЎзМТДП аъзоси**

ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

## Ўқувчилар билими

### ёхуд уни текширишнинг ўзига хос услублари

Ўқувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида устувор йўналишлардан бири сифатида кўрсатилган. Унга асосан янги давр талабларига жавоб бера оладиган шахсни шакллантиришни таъминловчи таълимни ташкил қилиш йўналишлари белгилаб берилган.

Таълим вазифалари ҳамда болаларни ўқитиш жараёни уларга ўқув материалини тушунтириш, мустақил ишларини ташкил этиш ва билимларини текшириш орқали амалга оширилади. Таълимнинг бирон-бир усулини бошқасидан устун қўйиш мумкин эмас. Бинобарин, уларнинг ҳаммаси биргаликдагина билим ва тафаккурни шакллантиришнинг ягона тизимини ташкил этади.

Билимларни текширишнинг ҳар қандай усулида ташкилий вазифалар мавжуд. Бу жараёнда ўқувчилар билимидаги нуқсонлар тузатилади, камчиликлар тўлдирилади, билимлар доирасидаги тафаккури бойитилади ва кенгайтирилади. Зеро, билимларни текшириш ўқувчиларда билим ва тафаккурни шакллантиришнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Ўқувчиларда билим, ўқув малакаларини таркиб топтириш, ўқувчилар тафаккурини ўстириш – буларнинг барчаси ўқувчилар билимини текширишнинг таълимий вазифаларидир. Одатда, ўқувчилар билимини текшириш, сўраш, оғзаки ёки ёзма равишда, индивидуал ёки ялпи йўсинда, шунингдек, текширув тестлари ўтказишга боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилади. Ўқувчиларга билимларни сингдириш билан бир қаторда уларнинг тафаккурини ўстиришга қаратилган таълимий вазифаларни ҳам ишлаб чиқиш керак бўлади.

Ўқувчиларда ижодий фаолият сифатларини шакллантириш жараёни уларнинг тайёр ҳолда берилган билимларни ўзлаштиришларида рўй беради. Лекин бу жараён самара бериши ҳам, ижодий фаолиятга доир ҳамма сифатларни қамраб ололмаслиги ҳам мумкин.

Кўп ҳолларда ўқувчиларда билим ҳосил қилишнинг асосий усуллари ўқув материалини тушунтириш ва мустақил иш ташкил этишдан иборат, деб ҳисобланиб, текширишнинг билим ва тафаккурни шакллантиришдаги аҳамиятига етарли эътибор берилмайди.

Ўқувчиларга берилаётган назорат саволлари фақат текшириш, ўқув материалининг қанчалик ўзлаштирилганини аниқлаш мақсадигагина эга бўлмай, балки таълимий мақсад, яъни ўқувчиларнинг эгаллаган билимлари асосида тафаккурини ҳам ўстириши лозим.

Ўқувчилар билимини текширишнинг муаммоли усули таълимий вазифалар талабига жавоб беради. Бундай ҳолатда савол-муаммолар асосида ўрганилаётган ўқув материалининг назарияси ётади. Ушбу назариядан эса ўқув материалини ўрганиш ёки амалиётда фойдаланилади. Бу жараёнда ўқитувчининг вазифаси ўқувчилар тафаккурини йўлга солиш ва тўғрилаш, улар тафаккурини ривожлантиришдан иборатдир. Бинобарин, ўқувчилар билимини текшириш улар олган билимларни амалда қўллаш, янги билимларни ўзлаштириш ўқувчилар диққатини янада оширишга хизмат қилади.

Берилаётган савол ҳамда топшириқлар қизиқарли бўлса, ҳам тушунарли бўлади, ҳам ўқувчилар томонидан тез ва осон ҳал қилинади, хотирасида мустаҳкам сақланиб қолади. Демак, ўқувчилар билимини муаммоли текшириш усули воситасида текшириш самарадорлигини ошириш, ўқувчилар билимини бойитиш ҳамда тафаккурини янада ўстириш мумкин бўлади.

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатлар таълим-тарбия жараёнининг асосий муаммоларидан бири бўлиб, таълим жараёнининг муваффақияти ҳар иккала шахснинг нафақат самимий муносабатида, балки дарсдаги ва дарсдан ташқари вақтдаги ўзаро фаолликларида ҳам акс этади.

Ҳозирги пайтда баркамол инсонни тарбиялаш, ёшларга жаҳон андозалари асосида таълим бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу эса ўз навбатида ҳар бир ўқитувчи-педагог зиммасига улкан масъулият юклайди.

**Э.ҚОСИМОВ,**
**Қўқон автотранспорт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси**

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КАРАТЭ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЖАМОАСИ

Ватандошларимизни Энг улуғ, энг азиз байрамимиз *мустақиллик шодиёнаси билан муборакбод этади!*



Ҳар бир оилада тинчлик-фаровонлик ҳукм сурсин. Фарзандларимиз камолини кўриш барчамизга насиб этсин.



"SKEEF LTD" МЧЖ ЖАМОАСИ




ХЎЖАЙЛИ ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ ВА ЎзМТДП ХЎЖАЙЛИ ТУМАН КЕНГАШИ



# ЖАРАЁН

АНЖУМАН

## Шахс эркинлиги ва дахлсизлигининг муҳим кафолати

Тошкентда 30-31 август кунлари Ўзбекистонда "Хабеас корпус" институтини жорий этиш масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази томонидан Европа уйи ва Венеция комиссияси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Болгария, Дания, Ирландия, Буюк Британия каби давлатлар ҳуқуқ идоралари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Ш.Раҳмонов, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси С.Ҳакимова, Олий суд ҳузуридаги тадқиқот маркази директори Ж.Ҳайдаров ва бошқалар мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар. Конституциямиз, қонунларимиз ва умумэътироф этилган халқаро нормаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, дахлсизлиги, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалий самараларини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 августда қабул қилинган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармони бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосланган ҳолда қабул қилинган мазкур фармон мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида босқичма-босқич амалга ошириб келаётган сиёсатининг амалдаги тасдиғидир.

Мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилганидек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир. Улардан суднинг қарорисиз маҳрум қилишга ёки уларни чеклашга ҳеч ким ҳақли эмас. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратура органларидан судлар ваколатига ўтказилиши ана шу конституциявий норманинг амалга ошишини таъминламоқда. Бу билан инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъминлашга қаратилган механизм - "Хабеас корпус" институти яратилди. Бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидалари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа принцип ва нормаларини Ўзбекистон қонунчилигига имплементация қилиш ишларининг изчиллигини кўрсатади.

2008 йил 1 январдан кучга кирган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан суд томонидан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишнинг, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришнинг процессуал тартиби, шунингдек, жиноят процессида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг процессуал кафолатлари кучайтирилди. Мазкур қонун ижроси амалиётда изчил таъминланиб, фуқаролар манфаатига хизмат қилаётир.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистонда ушбу йўналишда қилинаётган ишлар, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар билан батафсил таништирилди. Шунингдек, "Хабеас корпус" институтидан амалиётда қандай фойдаланилаётганлиги ва унинг самарадорлигини янада ошириш юзасидан фикр алмашилди.

- Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўтган қисқа даврда суд-ҳуқуқ соҳасида кўплаб ютуқлар қўлга киритилди, - деди Европа комиссиясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Пьер-Пол Антуниссенс. - Бу халқаро миқёсда эътироф этилган. Ушбу йўналишда биз ўзаро самарали ҳамкорлик қилаётганимиздан жуда мамнунмиз. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида "Хабеас корпус" институтини миллий қонунчиликка жорий этишга оид ишлар муваффақиятли бошланди. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳим кафолати бўлган бу институтнинг амалиётдаги самарадорлигини янада такомиллаштириш, бу борада ҳамкорликни ривожлантириш юксак самаралар беришига ишонамиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Бош прокуратураси масъул ходимлари, адвокатлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий ва халқаро экспертлар, шунингдек, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этган тадбирда қамоққа олишга санкция беришга оид миллий қонунчилик, инсон ҳуқуқларини таъминлашда адвокатуранинг ўрнига бағишланган маърузалар тингланди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**


БУХОРО "УРУМЧИ" МЧЖ ЖАМОАСИ




Истиқлол шукуҳи ҳеч қачон сизни тарк этмасин. Оилангизга тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик тилаймиз.



ҚАМАШИ УМИД ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САВДО ЖАМОАСИ

Энг улуғ байрамимиз - мустақиллигимизнинг 19 йиллик шодиёнаси билан юртимиз аҳлини қутлаймиз!



Истиқлол мамлакатимизга ҳар жиҳатдан улкан зафарлар олиб келаверсин!

МИРИШКОР ТУМАН УСМОН ЮСУПОВ МТПИ ДАЖ

Барча ҳамюртларимизни табаррук айём Республикамиз мустақиллигининг 19 йиллиги билан муборакбод этади!

*Юртимиз равнақи йўлида амалга ошираётган ишларимиз, эришилаётган ютуқлар Ватанимиз фаровонлигига хизмат қилаверсин.*

ИСТИҚЛОЛ АБАДИЙ БЎЛСИН!

БУХОРО ВИЛОЯТ ХАЛҚ БАНКИ ҚОРАКЎЛ ТУМАНИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

BANK

Мамлакатимиз аҳолисини Ватанимизнинг 19 йиллик тўйи билан табриклайди.



САМАРҚАНД КЎПРИК ХЎЖАЛИГИНИ САҚЛАШГА ИХТИСОСЛАШГАН ТАЪМИРЛАШ-ФОЙДАЛАНИШ ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



Барчангизни Республикамиз мустақиллигининг 19 йиллик байрами билан чин қалбдан қутлайди. Юртдошларимизга тинчлик-хотиржамлик, фаровон ҳаёт, оилавий бахт ва истиқлолни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларида куч-қувват тилайди.

# НИГОҲ

БУХОРО "НЕФТЬ-ГАЗ ҚУРИЛИШ ТАЪМИР" ОАЖ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз аҳлини Энг улуғ, энг азиз байрамимиз -
Мустақилликнинг 19 йиллиги
билан самимий муборакбод этади.



ҚАРШИ ШАҲРИДАГИ "ҲУНАРМАНД" ТАЪМИРЛАШ ҚУРИЛИШ КООПЕРАТИВ ЖАМОАСИ

Истиқлолимизнинг 19 йиллик байрами барчамизга қутлуғ бўлсин!
Байрам шукуҳи ҳамюртларимизга эзгулик ва тотувлик,
Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик фаолиятларида
янгидан-янги муваффақиятлар олиб келсин!



БУХОРО ВИЛОЯТ ХАЛҚ БАНКИ
ОЛОТ ТУМАНИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Юртимиз аҳлини Ўзбекистон
Республикаси давлат мустақиллигининг

19 йиллиги билан
самимий муборакбод этади!



## РАНГИН ДУНЁ

Мўмиё жуда қадим замонлардан буён халқ табобати амалиётида кўплаб хасталикларни даволашда ишлатилади. Эндиликда мўмиёнинг хосиятлари илмий равишда янада чуқурроқ ўрганилиб, янгидан-янги шифобахш хусусиятлари аниқланмоқда. Мўмиё ҳақида қатор докторлик ҳамда номзодлик диссертациялари ёзилган.

# МЎМИЁ афсона ва ҳақиқат

**Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

Маълумотларга қараганда, мўмиё Шарқ халқлари табобатида уч минг йилдан зиёд вақт давомида доривор восита сифатида қўлланилади. У айниқса, Эрон, Арабистон, Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Хитойда кенг тарқалган. Мўмиёнинг шифобахш хусусияти Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Нурмуҳаммад Ҳусайн каби олимларнинг асарларида зикр этилган. Қадим замон олимлари мўмиёни топиш, ишлов бериш йўлларини кўрсатиш билан бирга, уни суяклар синиши, шикастланиши, заҳарланиш, тутқаноқ, ошқозон-ичак яраси ва юз толалари фалажи касалликларида фойдали эканлигини таъкидлаганлар.



Олимларнинг қайд этишича, "мўмиё" сўзи юнонча ибора бўлиб, "аъзоларни муҳофаза этувчи" деган маънони англатаркан. Бундан ташқари, мўмиё турли халқ тилларида турлича ифода этилади. Чунончи, араблар мўмиёнинг кўриниш сифатига қараб "ароқул джибол"(тоғ шарбати), бирмаликлар "чао тун"(тоғ қони), мўғуллар "барагшун"(қоя шираси), туркманлар "мумногай", олтойликлар "барахшин"(тоғ мойи, тош ёғи) деб аташади.

Баъзи манбаларда мўмиё юмшоқ ва эрувчан хусусиятга эга бўлганлиги учун "муулойин"— мулойим сўзидан олинган бўлиши мумкин, деб ҳам тахмин қилинади. Айримлар "мўмиё" сўзи "мум" ва "Ойин" (шифобахш модда топилган жой, Эрон) сўзларининг бирикуви натижасида пайдо бўлган, дейишади.

Асрлар давомида мўмиёнинг шифобахш хусусиятлари таърифланган турли афсона ва ривоятлар ҳам пайдо бўлган. Ана шундай ривоятлардан бирида қадим замонда Эронда Фаридун номли шоҳ ҳукмронлик қилгани айтилади. Кунларнинг бирида у бир неча аскари билан тоққа овга чиқади. Шоҳ овда бир жайронни кўриб қолиб, камон ўқи билан қаттиқ яралайди. Ўқ гарчи жайроннинг умуртқасига қаттиқ санчилган бўлса-да, лекин йиқилмай яна қоча бошлайди. Шунда иккинчи отилган ўқ жайроннинг оёғини жароҳатлайди. Оғир яраланган жайрон бир амаллаб қоялар ичига ғойиб бўлади. Аскарлар уни қанча қидирмасинлар топа олмайдилар. Орадан вақт ўтиб овчилар баногоҳ бир ғор олдида ўтлаб юрган ўша яраланган жайронни кўриб қоладилар. Шоҳ Фаридун навкарлари билан ғорга кириб жайронни тутиб чиқади. Кўришса-ки, жайроннинг бундан бир неча кун муқаддам оғир яраланган танасига қандайдир қорамтир модда суртилган, санчилган ўқ ҳали умуртқа устида турар, лекин жароҳат битган эди. Ғорга кирган аскарлар унинг деворларида қора рангдаги модда сизиб оқаётганини кўрадилар. Шоҳ барча олиму табибларни чорлаб бу модданинг сир-асрорини билишларини буюради. Табиблар бу қорамтир модда бир қанча шифобахш хусусиятга эга эканлигини аниқлайдилар. Шоҳ Фаридун бу ажойиб дориворни қўриқлаш учун махсус соқчилар тайинлайди. Ана шундан кейин ҳар йили ғор ичида йиғилган шифобахш мумсимон модда шоҳ хазинасига келтирилади. Мўмиё шу асно шоҳ хазинасидан дуру жавоҳирлар қаторидан ўрин олади.

Мўмиёнинг сир-асрори билан шуғулланган олимларнинг маълумотларига қараганда, у табиатнинг ажойиб эҳсони, ноёб маҳсули. Унинг ҳосил бўлиш жараёнида табиатнинг бир қатор унсурлари бевосита иштирок этади. Афсуски, бу жараён узоқ вақт давом этгани боис ҳали муфассал ўрганилганича йўқ.

Мўмиёнинг пайдо бўлиши ҳақида бир қанча назария ва мулоҳазалар бор. Олимлар бу борада асосан уч хил фаразни қайд этишган. Жумладан, биринчиси — геогипотеза (нефть билан боғлиқ), иккинчиси — биогипотеза(ўсимликлар билан боғлиқ), учинчиси—зоогипотеза(ҳайвонлар билан боғлиқ). Олимлар мўмиё таркибида бир қанча микроэлементлар, органик моддалар, карбонат ва сульфатлар борлигини аниқлашган. Умуман олганда мўмиёнинг қандай ва қай асосда пайдо бўлиши ҳали илмий жиҳатдан тўлиқ исбот қилинганича йўқ. Баъзилар ғорлардаги мўмиё ёввойи кийикларнинг йиллар давомида йиғилган ахлати ҳосиласи десалар, бошқалар тоғ олмахони ахлатидан пайдо бўлиши мумкин дейишади. Ҳатто, улар орасида мўмиё ёввойи асалариларнинг йиллар давомида тўплаган асали ҳосиласидир, деяётганлар ҳам бор.

Бироқ, нима бўлганда ҳам мўмиё табиатнинг бебаҳо инъоми бўлиб, у бир қанча шифобахш хусусиятларга эга бўлган табиий антибиотик модда ҳисобланади. Ва яна келажакда тиббиёт олимлари томонидан унинг кўпдан кўп хусусиятлари кашф этилиши шубҳасиз.

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Кичик, аммо қулай

**Самсунг компанияси кўзи ожизлар учун фотокамера яратган.**

ИТАР-ТАСС хабарича, "Touch Sight" деб номланган янги аппарат Брайл экрани билан таъминланган ва тасвир ҳолатига кўра ўзгариб туради. Синов жараёнида фотокамера кузатув ойнасини - Брайл экранини пешонага қўйган ҳолда тасвир ҳолатини текшириш мумкинлиги аниқланган. Фотокамера орқали суратга олишда айрим овоз воситалари ҳам мижозга ёрдам беради. "Touch Sight" орқали олинган суратларни компьютер ва бошқа техник воситаларга кўчириш мумкин. Янги ускуна сўнгги синовлардан муваффақиятли ўтган.



## 15 тилни билади

**Россиянинг "Новости" агентлиги хабарича, Ҳиндистоннинг EC Media компанияси Permanent Black, Roli каби йирик нашриёт уйлари ва Оксфорд университети нашриёти билан ҳамкорликда "Wink" электрон китобини яратди.**



Wink ўзига салкам икки юз минг китоб матнини сиғдиради. Экранининг диагонали олти дюймга тенг бўлган электрон ускуна Wi-fi, GPRS хизматлари ва клавиатура билан таъминланган. 15 тилни «биладиган» ускуна батареяси ўқувчи ўн минг саҳифани мутолаа қилгунгача дош бера олади.

## Ўзига хос лойиҳа

**Суданда каркидон ва жирафа шаклидаги шаҳарлар барпо этилади.**

Бундан кўзланган мақсад шаҳарлар қурилишини тартибга солишдан иборат. Чизмаларга кўра, Жуба шаҳри каркидонсимон кўринишда қайта қурилиб, унинг «боши»да полиция бошқармаси жойлашади, «қулоғи»дан истироҳат боғи, «бели»дан саноат ҳудуди ва «оёқлари»дан турар-жой бинолари жой олади. "Вау" номли иккинчи шаҳар эса жирафасимон шаклга эга бўлади. Агар лойиҳа муваффақиятли якунланса, келгусида мамлакатда яна ўн шаҳарни мевалар кўринишида қайта қуриш режалаштирилган. Бунинг учун 10 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилади.



**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

"ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК" БУХОРО ВИЛОЯТ БЎЛИМИ

Ватандошларимиз ва юртимиз меҳмонларини истиқлол айёми билан чин юракдан муборакбод этамиз.



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!




# КЎЗГУ

## ЎГИТ

**Тафаккур ва фикрлаш айнан бир нарса бўлиб, ҳар иккиси ҳам моддиятдан айридир.**

* * *

**Худбинлик ўзини-ўзи севиш билан эмас, бу севгининг меъёрдан ортиб кетиши билан белгиланади.**

## БИЛАСИЗМИ?

Дунёдаги энг катта арғимчоқ Нью-Йорк (АҚШ) нинг Квинс округида ўрнатилган. Унинг баландлиги 25 метрни ташкил этиб, унда учаётган инсонни нақд 3,5 метр юқорига олиб чиқаркан.

* * *

Пекин олимпиадаси ўтган асосий стадион - "Қуш уяси" атрофида барпо этилган боғнинг умумий майдони 20 минг квадрат метр бўлиб, бешта асосий павильондан иборат бўлган. Бу ерда шоколаддан ясалган минглаб композициялар, 10 метрли Буюк Хитой девори, ҳатто, боғнинг шахсий "терракот армия"сини ҳам учратиш мумкин эди. Ушбу боғни яратиш учун салкам $10 миллион сарфланган. Турли хил фигураларни қуйиш учун эса 80 тоннага яқин шоколад кетган.

## ТУРФА ОЛАМ

### Тилла сумкача

**Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида ўтказилган халқаро заргарлик ярмаркасида соф тилладан ишланган сумкача омма эътиборига ҳавола этилди.**



Манбада қайд этилишича, бундай тилла сумкачага мобил телефон аппаратидан бўлак нарса сиғмас экан. Уни яратишда эса заргарлар 330 грамм тилладан фойдаланишган. Тилла сумкачанинг нархи $18,5 минг атрофида белгиланган. Шунингдек, ярмаркада яна бир антиқа буюм, яъни жавоҳир тошлар ва платина билан безатилган шляпа кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортган. У франциялик машҳур дизайнер Луи Мариетт томонидан яратилган бўлиб, 2,7 млн. долларга баҳоланган. Кўриниб турибдики, бундай буюмларни ҳамма ҳам ўзига эп кўролмайди.

### 99 999 та қирмизи атиргул

**Никоҳ куни куёв келин болага ана шунча қирмизи атиргуллар совға қилган.**



Хитойлик Ксао Ванг бунинг учун ўзининг бир йиллик маошини сарфлашига тўғри келган. Унинг айтишича, 999 сонида ўзига хос сир бўлиб, у ҳар қандай бало-қазони қайтариш хусусиятига эга экан. Бироқ, шунча гул биргина инсон учун кўплик қилмайдими? Уддабурон куёв бу масаланинг ҳам ечимини топди. У гулларни 30 машинага жойлаган ҳолда "бахт уйи" томон йўл олади. Айтишларича, қирмизи атиргуллар мамлакатнинг бир нечта шаҳридан келтирилган. – Лю айнан шу гулни яхши кўришини билардим. Қолаверса, у тўйимиз романтикага бой тарзда ўтишига шаъма қилган эди. Мен унинг орзу-ҳавасларига қарши чиқолмадим,- дейди Ксао Ванг.

**Зафар МУҲАММАД тайёрлади**

Газетанинг келгуси сони 15 сентябрь куни чиқади.







VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

e-mail: milliyt@sarkor.uz

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 823, Адади —

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-69-55, 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:
Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Беҳбуд БОТИРОВ
Навбатчи:
Умурзоқ ҲАМДАМОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 1.10.

1 2 3 5